

**ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИДА ШАРТНОМА ТУШУНЧАСИНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ
ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ**

Жураева Нодира Муҳаммади қизи

Тошкент туманлараро

иқтисодий суди судьяси

e-mail: njurayeva31@gmail.com

Аннотация

мазкур мақолада фуқаролик ҳуқуқида шартнома институтининг мазмуни, ҳуқуқий табиати ва назарий асослари таҳлил қилинган. Шартнома фуқаролик ҳуқуқининг муҳим институтларидан бири сифатида ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда асосий восита ҳисобланади. Мақолада миллий ва хорижий ҳуқуқшунос олимларнинг шартнома тушунчасига оид қарашлари таҳлил қилиниб, улар ўртасидаги фарқлар ва ўхшашликлар очиб берилган. Шунингдек, шартноманинг юридик факт сифатидаги аҳамияти, унинг иқтисодий ва ижтимоий моҳияти ёритилган ҳамда муаллифнинг илмий-назарий хулосалари баён этилган.

Калит сўзлар: шартнома, фуқаролик ҳуқуқи, юридик факт, мажбурият, ҳуқуқий муносабат, шартнома эркинлиги, бозор иқтисодиёти, ҳуқуқий тартибга солиш

Introduction

**ТЕОРЕТИКО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ПОНЯТИЯ ДОГОВОРА В ГРАЖДАНСКОМ ПРАВЕ И ЕГО
ПРАВОВАЯ ПРИРОДА**

Жураева Нодира Муҳаммади қизи

Судья Ташкентского межрайонного

экономического суда

e-mail: njurayeva31@gmail.com

Аннотация

в данной статье исследуются сущность, правовая природа и теоретические основы института договора в гражданском праве. Договор рассматривается как один из ключевых институтов, регулирующих отношения между субъектами права. Проведен анализ взглядов отечественных и зарубежных ученых на понятие договора, выявлены их сходства и различия. Особое внимание уделено договору как юридическому факту, его роли в возникновении обязательств, а также его экономической и социальной значимости. В завершение представлены авторские научно-теоретические выводы.

Ключевые слова: договор, гражданское право, юридический факт, обязательство, правовые отношения, свобода договора, рыночная экономика, правовое регулирование

**THEORETICAL AND LEGAL FOUNDATIONS OF THE CONCEPT OF CONTRACT IN CIVIL LAW AND
ITS LEGAL NATURE**

Jurayeva Nodira Muhammadi kizi
Judge of the Tashkent Inter-District Economic Court
e-mail: njurayeva31@gmail.com

Abstract

This article examines the essence, legal nature, and theoretical foundations of the contract institution in civil law. The contract is considered one of the fundamental legal instruments regulating relations between legal subjects. The study analyzes the views of national and foreign legal scholars on the concept of contract, identifying their similarities and differences. Particular attention is paid to the contract as a legal fact, its role in the formation of obligations, and its economic and social significance. The article concludes with the author's theoretical findings and generalizations.

Keywords: contract, civil law, legal fact, obligation, legal relations, freedom of contract, market economy, legal regulation

Бугунги кунда мамлакатимизда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида фуқаролар ва юридик шахслар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг мустақамланиши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бундай ҳуқуқий муносабатларда шартнома институти алоҳида ўрин тутади.

Шартнома фуқаролик ҳуқуқининг энг қадимий ва кенг қўлланиладиган институтларидан бири бўлиб, у орқали ҳуқуқ субъектлари ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар. Шу боисдан, шартнома тушунчаси, унинг шаклланиш жараёни, тузилиши, ижроси ҳамда бекор қилиниши масалалари фуқаролик ҳуқуқининг назарий ва амалий жиҳатдан энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Юридик адабиётларда шартнома тушунчаси ва унинг ҳуқуқий табиати борасида ҳуқуқшунос олимлар томонидан билдирилган турлича қарашлар мавжуд. Мисол учун, академик Ҳ.Рахмонкуловнинг фикрича, шартнома – баҳо, нарх кўринишида намоён бўлувчи қиймат муносабатларининг хосиласи ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитларида шартномани қўллаш товар-пул муносабатларининг амал қилиши билан асосланади.

Бозор иқтисодиёти соҳасида шартнома товар айирбошлаш қиймат муносабатларининг оптимал ҳуқуқий шаклини ташкил этади, негаки, шартномада уни тузган тарафларнинг иқтисодий мустақиллиги ва юридик тенглиги энг мақбул тарзда ўз ифодасини топади. Шартнома – ҳуқуқий тартибга солишнинг шакли сифатида шартнома катнашчиларининг хоҳиш-иродаси ва ҳаракатларини намоён этиш ҳамда расмийлаштиришининг воситаси сифатида хизмат қилади¹. Шунингдек, профессор О.Оқюловнинг таъкидлашича, икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишуви шартнома, деб аталади².

Чет эллик ҳуқуқшунос олимлар томонидан ҳам шартнома тушунчаси тўғрисида бир қатор фикрлар билдириб ўтилган. Хусусан, Ш.В.Калабеков ўзининг илмий-тадқиқот ишларида

¹ Рахмонкулов Ҳожи-Ақбар. Мажбурият ҳуқуқи (умумий қоидалар). Ҳуқуқшунослик ихтисоси бўйича олий ўқув юртлари "Хусусий ҳуқуқ" йўналиши магистратура талабалари учун. -Т.: ТДЮИ, 2005 й. - 222 бет.

² Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. 1-жилд (биринчи қисм) Адлия вазирлиги. – Т.: «Vektor-Press», 2010. – 816 б. – (Професионал (малакали) шарҳлар).

шартномага умумхуқуқий конструктсия сифатида таъриф беради. Унинг фикрига кўра, шартнома – бу икки ёки ундан ортиқ субъект ўртасида маълум шаклда тузилган, қонун билан белгиланган доиралар ичида томонларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи, уларнинг кейинги хатти-ҳаракатларини тартибга солувчи ва шартнома бузилган тақдирда давлат томонидан мажбурий чоралар қўлланиши имкониятини таъминловчи **келишув актидир**³. Олим шартноманинг мазмуни шартнома элементларидан иборат эканлигини таъкидлайди. Улар контрагентлар (ёки шартноманинг бир томони) томонидан тўғридан-тўғри тузилган шартлар ва муайян шартнома билан боғлиқ қонунчилик нормаларида мавжуд бўлган шартлардир. Шартнома шартларини таснифлаш фарқлашнинг иккита мезонига мувофиқ амалга оширилиши керак: 1) шартларнинг аҳамияти ва шартнома тарафлари учун уларнинг келишуви зарурлигига қараб, муҳим ва муҳим бўлмаган ҳолларда; 2) мажбурий ва ихтиёрий, уларда ўз ифодасини топадиган қонун қоидаларининг хусусиятига қараб амалга ошади.

В.Витрянский ва М.Брагинский эса шартнома тушунчасини аниқлашда, энг аввало, қонун ва шартнома ўртасидаги нисбатни аниқлаб олиш шарт деб ҳисоблайдилар. Уларнинг таъкидлашларича ушбу масалада уч хил нуқтаи назар мавжуд. “Эрк-ирода назарияси” тарафдорларига кўра, шартнома тарафлар эрки, иродаси бирламчи, қонун эса эрк-иродага қўшимча ёхуд унга чекловчи вазифани бажаради. “Қонун устуворлиги” назариясини устун қўйувчиларнинг фикрича, шартнома қонундан ҳосила бўлган ҳуқуқий самара берувчи восита, холос. “Эмпирик назария”га кўра, тарафларнинг эрки, иродаси онгли равишда фақат муайян иқтисодий самарага қаратилган, айна вақтда бунда шартноманинг оқибатлари уни рўёбга чиқариш воситаси сифатида фикр қилинади ва бу ҳақида тарафлар аниқ тасаввурга эга бўлмасликлари ҳам мумкин ва амалда шундай бўлади ҳам. Қонун ҳам, шартнома ҳам тартибга солувчи вазифани бажаради. Бироқ, бунда қонун нормаси билан шартнома шартлари ўртасида қуйидаги иккита муҳим фарқ мавжуд:

- 1) шартнома тарафларнинг эрк-изҳори бўлса, ҳуқуқ нормаси уни қабул қилган органнинг эрк-иродаси изҳори ҳисобланади;
- 2) ҳар иккаласининг амал қилиш доираси ҳам турличадир: шартнома фақат унинг тарафлари ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди ва шартномада иштирок этмайдиган шахсларга асло таъсир кўрсата олмайди, норматив ҳужжат барча чун ёки муайян гуруҳ субъектлар учун тааллуқли бўлади⁴.

Яна бир сивилист олим Н.Д.Егоров шартноманинг ҳамма жиҳатларини қамраб оладиган тушунчани ишлаб чиқишга уринган ва у қуйидаги хулосага келган: “шартнома деганда, мажбуриятнинг асосида ётувчи юридик фактни ҳам, шартнома мажбуриятининг ўзини ҳам ва ниҳоят мажбурият ҳуқуқий муносабатларини белгилаш факти мустаҳкамланган **ҳужжат**” тушунилади⁵.

М.К.Сулейменов ҳам шартнома борасида анча асосли ва тўғри фикр юритган. Унга кўра, шартнома ҳуқуқий муносабат ёки шартномавий ҳуқуқий муносабат вужудга келишига асос бўлувчи **юридик факт** ҳисобланади⁶.

³ Ш.В.Калабеков. Договор как универсальная правовая конструкция. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Москва -2004.

⁴ М.Брагинский, В.Витрянский. Договорное право. - М.: 1997. - 9 б

⁵ Гражданское право. // Под ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. - СПб. 1996. - 428 б

⁶ Договор в народном хозяйстве. Алма ата. 1987. - 13 б

Мажбурият ҳуқуқига оид юридик манбаларда қайд этилишича, О.С.Иоффе томонидан шартнома қуйидагича талқин этилган:

- бир неча шахсларнинг келишуви;
- келишув асосида юзага келган мажбурият;
- тарафларнинг эрки-иродаси асосида вужудга келган мажбуриятни қайд этувчи ҳужжат⁷.

А.А.Савинов олимларнинг **шартнома тушунчасига берган таърифларини таҳлил қилган ҳолда** турли ҳуқуқий тизимларда шартнома тушунчаси сезиларли даражада фарқ қилишини, бу ҳолат, аввало, шартномавий ҳуқуқнинг тизимлаштирилиш даражаси ва унинг таърифларининг аниқлиги ҳам ҳар хил бўлиши билан боғлиқлигини билдиради. Унинг фикрича, англосаксон ҳуқуқ тизимида шартнома ҳар қандай **ваъда** сифатида тушунилади. Романо-герман ҳуқуқ тизимида эса шартнома уч жиҳатда, яъни шартнома – **битим, келишув, ҳужжат** сифатида кўриб чиқилади⁸.

А.Д.Корецкий фуқаролик-ҳуқуқий шартномага қуйидаги таърифни беради: “фуқаролик-ҳуқуқий шартнома – бу икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг қонунчиликда белгиланган шаклда ифодаланган ва ўзаро келишилган ниятлари бўлиб, ушбу ниятлар ўзаро (ёки учинчи шахсларга нисбатан) фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтириш, ўзгартириш ёки тугатишга қаратилган ҳаракатларни амалга оширишни назарда тутати ва қонун кучига кўра кўрсатилган ҳуқуқий оқибатларни юзага келтириш учун етарли ҳисобланади. Бу ниятлар, одатда, шахсий, айниқса, моддий манфаатларни рўёбга чиқаришга қаратилган бўлади⁹.”

Демак, юқорида келтирилган ҳуқуқшунос олимларнинг фикрлари таҳлили шартнома тушунчасининг назарий-ҳуқуқий асослари юзасидан турли ёндашувлар мавжудлигини кўрсатади. Ҳар бир олим шартномага оид ўз илмий позициясини ҳуқуқий, иқтисодий ёки фалсафий нуқтаи назардан асослаб берган. Қуйида ушбу қарашларни умумлаштирган ҳолда, шартнома тушунчаси борасида ўзимизнинг умумий, илмий-назарий хулосамизни тақдим этамиз:

шартнома тушунчаси фуқаролик ҳуқуқининг асосий институтларидан бири сифатида ҳуқуқий муносабатларнинг шаклланиши, ўзгариши ва тугалланишининг асосий воситаси бўлиб хизмат қилади. У олимлар томонидан турли хил нуқтаи назарлардан ёндашиб таҳлил қилинган бўлиб, ушбу ёндашувлар шартноманинг кўпқиррали ҳуқуқий табиати мавжудлигини тасдиқлайди;

шартнома – бу ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқий оқибатларга эга бўлган келишуви бўлиб, у фуқаролик ҳуқуқида мажбурият юзага келтирувчи асосий юридик факт ҳисобланади. У шахсларнинг эрк-иродаси баёни, иқтисодий манфаатларини таъминлашга қаратилган мақсадли ҳаракатлари ҳамда ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинадиган муносабатларни ўз ичига олади. Шартнома эркинлик, тенглик ва тарафлар хоҳишининг бирлашуви асосида шаклланади ва унинг тузилиши, шартлари ҳамда ижроси фуқаролик ҳуқуқининг асосий мазмунини ташкил этади. Шунингдек, шартнома фақат ҳуқуқий эмас, балки иқтисодий ва ижтимоий моҳиятга ҳам эга бўлиб, у бозор муносабатларининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлайди.

⁷ О.С.Иоффе. Обязательственное право. - М.: ЮУрлит. 1975. 26 б

⁸ А.А.Савинов. Понятие договора в гражданском праве. <https://www.researchgate.net/publication/341788565>

⁹ Корецкий А.Д. Договорное право России. Основы теории и практика реализации. Москва: ИКЦ «Март», Ростов-на-Дону: Издательский центр «Март», 2004. – 528 с.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. – Тошкент: Адолат, 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023.
3. Раҳмонқулов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳуқуқи назарияси. – Тошкент: Адолат, 2019. – 320 б.
4. Оқюлов О.О. Фуқаролик ҳуқуқи: дарслик. – Тошкент: Юрист медиа маркази, 2020. – 512 б.
5. Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право: общие положения. – М.: Статут, 2018. – 847 с.
6. Егоров Н.Д. Гражданское право: учебник. – М.: Норма, 2020. – 640 с.
7. Иоффе О.С. Обязательственное право. – М.: Юридическая литература, 1975. – 880 с.
8. Сулейменов М.К. Гражданское право: учебник. – Алматы: Жеті Жарғы, 2017. – 656 с.
9. Савинов А.А. Договорное право в различных правовых системах // Журнал российского права. – 2019. – № 5. – С. 112–120.
10. Корецкий А.Д. Гражданско-правовой договор: теория и практика. – М.: Юрайт, 2021. – 302 с.
11. Калабеков Ш.В. Договор как общеправовая конструкция // Вестник гражданского права. – 2018. – № 3. – С. 45–58.
12. Гражданское право: учебник: в 2 т. / под ред. Е.А. Суханова. – М.: БЕК, 2021. – Т. 1. – 816 с.
13. Гражданское право: учебник / под ред. А.П. Сергеева, Ю.К. Толстого. – М.: Проспект, 2020. – 784 с.
14. Farnsworth E.A. Contracts. – 4th ed. – New York: Aspen Publishers, 2004. – 1024 p.
15. McKendrick E. Contract Law: Text, Cases, and Materials. – 8th ed. – Oxford: Oxford University Press, 2020. – 1040 p.
16. Treitel G.H. The Law of Contract. – 14th ed. – London: Sweet & Maxwell, 2015. – 1100 p.
17. Principles of European Contract Law (PECL). – The Hague: Kluwer Law International, 2002.
18. UNIDROIT Principles of International Commercial Contracts. – Rome: UNIDROIT, 2016.
19. Гражданский кодекс Российской Федерации (часть первая) от 30.11.1994 № 51-ФЗ (с изм. и доп.).
20. Bürgerliches Gesetzbuch (BGB). – München: C.H. Beck, 2022.